

Пудрат шартномаси

7 -сон

2022 йил " 18"-июль

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Кўнгирот тумани Ободонлаштириш бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлик М.А.Алиев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "MAXSUS YO'L STROY" маъсулияти чекланган жамияти номидан устави асосида иш кўрувчи Б.А.Калмуратов иккинчи томондан, Кўнгирот тумани Канлы МФЙ Жинишке жап буйи йўлининг 0-1,877 км қисмини жорий таъмирлаш ишларига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1.1 Мазкур шартномада тарифлар қулланилади:

"ижро хужжатлари": - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айrim маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул килиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар:

"курилиш майдони": Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошка белгилар билан белгилаб қўйилади.

"вақтингчалик ишлар": Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вақтингчалик бинолар ва иншоотлар.

"беркитилган ишлар":- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиши: ишларнинг ҳар бир боскичи ёки турлари қийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объекти умумий қийматини боскичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиха-смета ва экспертиза хulosасига келишилган муддатларга асосан Кўнгирот тумани Канлы МФЙ Жинишке жап буйи йўлининг 0-1,877 км қисмини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3.1 Мазкур шартнома "14" - июль 2022 йилдаги 1-боскич мажлис баённомаси ва 117886-сонли лотга асосан тасдиқланган ишлар қиймати барча соликлар, йигимлар, ККС ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 431 564 833 (турт юз уттиз бир миллион беш юз олтмиш турт минг саккиз юз уттиз уч) сўмни ташкил этади.

3.2 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш қиймати ва қўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолати сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортиқка ўзгартирилганда.

3.3. Курилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- курилиш майдони ҳудудида вақтингчалик иншоотлар куриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмuni, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;
- объектда тасдиқланган лойихага мувофиқ курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш;
- курилиш таваккалчилигини суғурта килиш.

Мазкур шартнома бўйича объекти фойдаланишга қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтингчалик бинолардан бўшатиш;

курилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

курилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

4.2 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 %дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдидаги тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий йўл курилиш сифати техник назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни амалдаги конунчилик хужжатларига мувофиқ қабул қилиб олишни тъминлаш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларни қабул килиш учун зарур бўлган изро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. Ишларни бажариш муддати

6.1 Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда томонлар учун имзоланган пайтдан бошлаб:

кейинчалик ЭАВ га конвертация килган ҳолда миллий валютада (сўмда) ўзаро хисоб-китоб қилинганда шартнома конун хужжатларга мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради:

6.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажарилишига киришади ва аниқланган муддатда ишларни тўлиқ якунлади..

6.3 Курилишнинг давом этиши вакти ишлар бошланган кундан эътиборан 54 кунни ташкил этади

6.4 Мазкур шартнома бўйича ишларнинг муддати ҳамда бажариладиган ишлар, ишларни бажариш жадвалига (1-илова) мувофиқ амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва хисоб-китоблар

7.1 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30 % микдорида, аванс ўтказади.

7.2 Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган ишларини "Маълумотнома-хисоб-фактура"га асрсан молиялаштирилади. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни хисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 70 % гача доирасида амалга оширилади.

7.3 Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил хисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача микдорида, амалга оширилади:

7.4 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк хуқуқини ўзида саклаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.5 Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартирислар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш хукукига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

8.1 Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник кузатувчини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асоб ускуналар шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиқлигини текширади. Аниқланган камчиликларни ўз вактида бартараф этиш бўйича барча чораларини кўради, мунтазам равишда олиб борилаётган ишлар юзасидан Буюртмачи маъсул ходимларини ёзма равишда хабардор килиб боради.

8.2 Техник кузатувчи ишлар бажарилшининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш хукукига эгадир.

8.3 Пудратчи Техник кузатувчи ишларни жой билан таъминлади. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

8.5 Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6 Қурилиш майдонида умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

8.7 Буюртмачи курилиш майдонини бериш тұғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаёттан тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тұғрисидаги хужжатларни беради.

8.8 Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тұғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда курилиш майдонини белгилаш бүйічә ишларни бажариш ва объектни бөллаш (привязка) килиш учун Пудратчига геодезия нұкталары, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9 Пудратчи геодезия нұкталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тұғри ва зарур тарзда белгилениши, шунингдек баландлик белгилари үлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тұғри жойлашганилиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараєніда амалта оширилган ва геодезия ишларнда хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.9 Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

8.10 Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нұкталариди янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.11 Пудратчи ўзи томонидан қурилишда күлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиха хужжатларida кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.12 Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул килишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма радишда хабардор қиласи.

8.13 Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралиқ қабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.14 Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина ишларни бажаришга киришади.

8.15 Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечкиб хабардор килинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш хужжатларидан майда четта чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буарнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганингни исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.16 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилғанлыгини аникласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 8.15 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган заарларни Буюртмачига тўлайди.

8.17 Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқарип ташлайди.

8.18 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятта эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул килиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан бөглиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тұғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикирини баён қиласи.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли радишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриклаш

9.1 Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони худудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мulk зарур даражада кўрикланишини таъминлайди.

9.2 Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мulkлар объект қабул килиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгіб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

10.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгіб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг

бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати снгиб бўлмайдиган куч холатлари амал килган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2 Агар снгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама киладилар.

10.3 Агар томонлар иккى ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб қилишга ҳаклиди.

XI. Курилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш

11.1 Курилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2 Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олиниади.

11.3 Пудратчи курилиши тугалланган объектни кабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги иккى нусха ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишида тасдиқлаши керак.

11.4 Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

12.1 Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиха хужжатлари ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилиниши;
- объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

12.2 Объект ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар курилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

12.3 Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга кадар фойдаланиши давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у холда кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг иккى томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларида нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичидаги бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимидаги назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчинидан ушлаб колиш хукукига эга.

12.4 Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиши қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

13.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;
- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатта кечикирилган холда,
- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмагандага;
- пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

13.2 Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатта тўхтатиб кўйилганда;
- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмагандага;
- конун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш хукукига эга.

13.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган курилиш обьекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

13.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган холлар бундан мустасно.

XIV. Томонлардинг мулкий жавобгарлиги

14.1 Томонлардан бирни шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ти Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибида бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганини, ўз вактида молияштирганини ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганини учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

14.3 Пудратчи обьектни ўз вактида ишга тусириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганини учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси обьект шартномавий жорий кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,5% фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пудратчи бажариш графигида 2021 йил учун белгиланган иш ҳажми кийматининг бажарилмаган қисмидан Буюртмачига 1 фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод этмайди

14.4 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, ишчи хужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи курилишида Давлат назорати инспекциясининг хulosаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20% фоизи миқдорида ундириш хукукига эга.

14.5 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганини учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни коплади.

14.6 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганини учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

15.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун хужжатларида белгиланган тартибда иктиносидий суд томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

16.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

17.1 Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

18.1 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклида расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолангандан бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

18.2 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равиша тасдиқлаши керак.

18.3 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳак тўлашни кечикиришга ҳаклиdir.

18.4 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари кўлланилади.

18.5 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

18.6 Мазкур шартнома 31.12.2022 йилгача амал қиласы.

Пудратчи:

Бүортмачи:

«MAXSUS YOL STROY» МЧК

Манзил: Кўнғирот тумани З.М.Бабур кўчаси №208
уй
Тел/Факс: +998905742771
ИИН: 305 684 300
Х/р: 20 208 000 900 906 098 001


ΜΦΩ: 00611

Банк: Қишлоқ қурилиш банк Қўнғирот филиали

ОКЭД: 42110

Рахбар: Б.Калмуратов

(ФИЗ:ИНН 431 597 805)



Қўнғирот тумани Фазначилик бошқармаси
Х/р: 23402000300100001010
ИНН: 201122919 МФО:00014
Банк: Марказий банк Ташкент шаҳри
Бошлиқ: *М.Алиев* М.Алиев

M.Y.

1164671



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MAXSUS YO'L STROY" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'satilgan holdagi to'liq nomi)

"MAXSUS YO'L STROY" MChJ

(Yuridik shaxsning qo'shatilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

03.08.2018

626946

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

305684300

Tashkilly-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Qo'ng'irot tumani, Qo'ng'irot, Z.M.Babur,
208,

Guvohnoma:

Qoraqalpog'iston Respublikasi, Qo'ng'irot tumani, DAVLAT
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'kezuvchi organning to'liq nomi):



7-sonli shartnomaga
ILOVA

Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma býicha óz majburiyatlarini bajarayotganda Ózbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish tógrisidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni Qóngirot tumani Tibbiyot birlashmasi xodimi óz xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergen shaxsning manfaatlarini kózlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;

tovlamachilik qilish;

pora sifatida pul tólash;

bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yól qóymaslik býicha choralar kórilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma býicha bir Tomon Qóngirot tumani Tibbiyot birlashmasi xodimining ahloqqa tógrí kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki Ózbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bólgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

SSV tizimidagi korrupsiyaga oid holatlar haqida tezkor xabar berish uchun qisqa raqam 1203

Ózbekiston Respublikasi korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining call markazi raqami 1253

Telegram-kanali (@antikorbot);

Qóngirot tumani Tibbiyot birlashmasi

TOMONLAR:



Sotuvchi:
«MAXSUS YO'L STROY» MCHJ rahbari
B.Kalmuratov



Sotib oluvchi:
Qóngirot tumani Obodonlashtirish boshqarmasi
boshlig'i M.Aliyev

**QÓNĞIROT TUMANI ADLIYA BÓLIMI YURIDIK XIZMAT
KÓRSATISH MARKAZINING YURIDIK AHAMIYATGA EGA
HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI
TÓGRISIDAGI HUQUQIY XULOSASI**

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi

Buyurtmachi Qónğırot tumani Obodenlashtirish boshqarmasi nomidan Nizom asosida ish yurutuvchi boshligi M.Aliev;

Pudratchi "MAXSUS YO'L STROY" ma'suliyati cheklangan jamiyati nomidan ustavi asosida ish yurutuvchisi B.A.Kalmuratov ikkinchi tomondan Qónğırot tumani Qanlı MFY Jíníshke jap boyi yolining 0-1,877 km qismini joriy ta'mirlash ishlariga doir mazkur pudrat shartnomasini tuzish haqida.

Mazkur shartnoma 14-iyul 2022 yildagi birinchi bosqich majlis bayonnomasi 117886-sonli lot ga asosan tasdiqlangan ishlar qiymati barcha soliqlar, yiğimlar, QQS va ajratmalarini óz ichiga olgan holda joriy narxlarda 431 564 833 (tort yuz öttiz bir million besh yuz oltmish tort ming sakkiz yuz öttiz uch) sómni tashkil etadi.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi malumot: Qónğırot tumani Obodenlashtirish boshqarmasi tomanidan 2022-yil 18-iyul

Ushbu shartnoma loyihasi Ózbekiston Respublikasi 29 avgust 1998 yildagi 670-1-sonli Xójalik yurutuvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi tógrisidagi qanuni, Ózbekiston Respublikasi 22 aprel 2021 yildagi 684-sonli Davlat haridlari tógrisidagi qanuni, Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari tógrisida»gi 14-sentyabr 2021-yildagi PF-6313-sonli Ózbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni talablariga javob beradi.


Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq

Eslatma: Ózbekistan Respublikası Prezidentining 2022-yil 02-iyul kungi PF 164-sonli Farmoniga asos Qaroqalpoğıstan Respublikası hududida favqulotda holat joriy etilganligi bois internet tarmoǵida aloqa bolmaǵanligı sababli ushbu buyruq loyihasiga qoǵoz shaklida xulosa beriladi.

Markaz bosh yuriskonsulti

R.Annarazov

2022 yil «18» iyul



Конырат районы Абаданластырыу баскармасы тарепинен “Товар-материаллық запаслар ҳэм ислерди (хызметлерди) сатып алыш бойынша таңлау комиссиясы”ның ең жаңысы уынысларды таңлап алыу бойынша откерилген
8-санлы мәжлис баянламасы

2022-жыл “18” - июль

Конырат районы

Катнасыўшылар

Комиссия баслығы

М.Алиев

Комиссия ағзалары

М.Оразбаев

Г.Кожекенова

А.Картбаев

М.Баймуратов

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы баслығы

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы бас инженери

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы абаданластырыу тарауы хызмети бойынша онлау жумысларын шолкемлестириу инженери

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы технадзоры

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы бас есапшысы

КҮН ТӘРТИБИ:

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы - Таңлап алыш комиссиясы баслығы М.Алиев мәжлисте таңлау комиссиясының 5 ағзасынан 5 адам катнасып атырганлығын айтып өтип, таңлау комиссиясы мәжлисин ашық деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткари таңлау комиссиясына төмендеги мағлыұматларды усынды:

Өзбекстан Республикасының 2021-жылдың 22-апрелдеги 684-санлы “Мамлекет сатып алыштар ҳакқында”ғы Нызамының (текстте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына мууапық ең жаңысы уынысларды таңлап алыш откерилийи ҳақында арнаұлы информацион порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дағаза таңлау катнасыўшыларының қабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрепинен жеке кабинети арқалы жайластырылған №117886-санлы лот тийкар 2022 жыл 14-июль күни откерилген 1-баскыш баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы “Мәмлекетлик сатып алыштар ҳақында”ғы Нызамы талаптарына ҳәмде жоқары көрсетилген мағлыұматларды есапқа алыш Таңлау комиссиясы

ҚАРАРЕДЕДІ:

- Конырат районы Абаданластырыу баскармасы бюджет қаржылары есабынан etender.uzex.uz парталына жайластырылған Конырат районы Канлы МФЙ Жинишке жап бойы жолынын 0-1,877 км болегин женил онлау жумысларын әмелге асырыў ушын откерилген таңлап алышуда таңлау хужожетлеринде ҳәм таңлау шәртлери бойынша ең жаңы шәртлерди усынған ҳәм таңлап алыш женимпазы деп табылған «MAXSUS YO'L STROY» жууапкершилиги шекленгөн жамиети менен 431 564 833 сумга шартнама дүзилсін.

- Женимпаз мекеме таңлап алыш шәртлери тийкарында шәртнама дүзиўден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиў хукуқы кейинги катнасыўшы (резерв) етип, «TARAQQIYOT INNOVATSIYA» ЖШЖ деп

белгиленсин. Бунда жәнімпаз қатнасышы усыныс еткен суммасынан аспаған мұғдарда шәртнама дүзіү мүмкінлиги белгилеп койылсын.

3. Нызам талаптарына муýапық таңлаý қатнасышыларының усынысларын көрип шығыў ҳәм баҳалаў мүддети усыныслар бериў тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиўи мүмкін емеслиги маглыўмат ушын қабыл етилсін.

4. Мекеменин бас есапшысы – М.Баймуратовка танлау альту жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хамде шартнама дүзилгеннен сон 3 (уш) жұмыс куни ишинде арнаулы информацион порталына (<http://etender.uzex.uz/>) жайластырыу тапсырылсын.

Катнасышылар
Комиссия бағыты

М.Алиев

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы
басылығы

Комиссия ағзалары

М.Оразбаев

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы
бас инженери

Г.Кожекенова

Конырат районы Абаданластырыу
баскармасы абаданластырыу тарауы
хызымети бойынша онлау жұмысларын
шолжемлестириу инженери

А.Картбаев

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы
технадзоры

М.Баймуратов

Конырат районы Абаданластырыу баскармасы
бас есапшысы